







Ёднома

Умрини Ватанимиз осойишталиги ва халқимиз тинчлиги, фаровонлиги учун бахшида этган, чехрасидан доимо нур ёғиб турувчи генерал-майор Мурод Шералиев ҳаёт бўганида 80 ёшга тўлар эди.



тақуғрон шаҳрида ички ишлар бўлиmlарини бошқарди. Уруш бошланганда у Ички ишлар халқ комиссарлиги вазирлиги олий мактаби ҳузуридаги раҳбар кадрлар тайёрлаш курсида таълим олаётган эди.

СЕРМАЗМУН УМР

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Дурмон қишлоғида 1916 йили таваллуд топган Мурод Тошкент халқ ҳужалиги техникуминини тамомлаб, Самарқанд халқ ҳужалиги институтида ўқишни давом эттираётган вақтда 1938 йили комсомол йўлланмаси билан давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органларида ишлаш учун юборилди. Уша йили у Ички ишлар халқ комиссарлиги Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи, таъқиқ чекит — полковник Сергей Калмиков кўл остида ишлаш бошлади. Кейинчалик вилоятнинг Оқдарё туманида ва Қат-

ёулини босиб ўтган, урушдан сўнг узоқ йиллар республика Ҳарбий комиссари лавозимида хизмат қилган генерал-майор Муллажон Узоқов Мурод акага катта ёрдам берди. Мурод Шералиевнинг ўзига фроннга бориш, бевосита урушда қатнашиш насиб этмади. У иккинчи фронт бўлини мамлакат ичкарисида ҳушқон фаолият кўрсатди. Жанубий чегарада — республика Ички ишлар халқ комиссарлиги Сурхондарё вилоят бошқармасида ишлади. Кейинчалик Мурод ака Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги милиция бонларини тарбиялаб вояга етказди. Мурод ака ҳаётининг сўнги йилларида 13 йилдан ортиқ Тошкент вилоятининг ички ишлар бошқармасини бошқарди, ўзининг бутун кучи, «билими, бой таърибаси ва қалб кўрини даulat қонунчилигини ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга бағишлади. Тошкент вилоятининг туман ва қишлоқларида Мурод акани танитмаган киши камдан-кам учраса керак. Генерал кечани кеча, кундузи кундуз демай мўлжалланган ишни битказмасдан, ҳал қилмасдан қўймасди. Вилоят

халқ ҳужалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда фаол қатнашиб, катта жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиларди, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор берарди.

Мурод Шералиев республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Бир неча бор Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари Олий Кенгаши депутатлигига сайланди. Унга 1957 йилда «Адлиянинг давлат маслаҳатчиси» унвони ва 1965 йилда ички хизмат генерал-майори унвони берилган эди. Кўп йиллик хизматлари учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Ҳозир Мурод аканинг оиласи яшаб турган Юнусобод туманидаги кўчага генерал Мурод Шералиев номи берилган. Қибрай тумани ҳокимлигининг махсус қарори билан у туғилиб ўсган Дурмон қишлоғидаги катта кўчаларнинг бири генерал Мурод Шералиев номи билан аталди.

Зиёд ЕСЕНБОВЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси



Дилларидан алёр тўкилар, Чиройдан ойлар беркинар. Кўллари гул, кўнгиллари гул, Бири райҳон, бириси сумбул.

Қайнаб-тошар меҳрлари бор, Кўзларида сеҳрлари бор, Зар дўшпилар кийган қизларнинг, Зар дўшпилар тиккан қизларнинг.

ДУНЁ ПЕШТОҚИГА ҚАДАЛДИ ТУҒИНГ

БАТАН

Ҳайласан ўйиндан боллар томили, Боллари баҳорин соғинган дийр. Меҳрим бенишда куй тўғонали, Менинг ҳам айтажақ кўшиқларим бор.

Кўрдим, кўзларидан соғинчлар оққан, Осмоннинг ўзиб келар турналар. Заминда ям-яшил алағча ёққан, Чақмоқлар сасидан олам уйғонар.

Мудроқ ниҳонларнинг болиларига Ялпизларнинг иси томганда чак-чак, Қалдирғочнинг тонги хоншларига Назимда тошлар ҳам уйғона керак.

Армонлар бағридан олган эркинни Ютоқиб боламдек бағримга босдим. Дунё пештоқиқа қадалди туғинг, Ватаним, болангман, дунёча ўсдим.

Истиқлол кўзлардан тўкилган алёр, Кўвончим шаршара, оқди дилим. Темир юрагига булбул очган дийр, Сени Темир руҳи кўласин, элим!

СЕНИ БЕКАМ КЎРМОҚ ИСТАРДИМ

Хаслар силқиб гулга кирса, Тошлар тўғониб тилга кирса, Номлар уйғониб элга кирса, Бут бўларми бир каминг дунё?

Булбуллардан кулгу тўкилса, Шаблардан тугу тўкилса, Гуноҳдан ҳар жон ўқинса, Бут бўларми бир каминг дунё?

Кўён асли ерининг шуқуқи, Кўкдаги гул азизлар руҳи, Меҳр бўлса кўнглининг кўрки, Бут бўларми бир каминг дунё?

Остонадан боғлар бошланса, Ватан, десанг дил оташланса, Ерин теймай қадам ташланса, Бут бўларми бир каминг дунё?

Эмгиларнинг йиғини куй, Майсалар дер шароитдан куй, Қарас йиртса булбул ҳикматтуй, Бут бўларми бир каминг дунё?

Савол бердим, жавоб ахтардим, Савол сўнгис, сўнгисизлар дардим. Сени бекам кўрмоқ истардим, Бут бўларми бир каминг дунё?

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОЗНИНГ САДОСИ

Ўзбекистон халқ артисти Абдухошим Исмоиловга

Созин салосида самовий оҳанг, Тинглаб тилмайман кўзда ёшимни. Бармоқлари баҳор, ўзбекий жаранг, Аллоҳ ардоқлаган Абдухошимни.

Субҳи сабабларга ошно дили бор, Ойни етказган ойдин йўли бор, Умрин тилаб турган ўзбек эли бор, Аллоҳ ардоқлаган Абдухошимни.

Жозибая жаранги жилоси билан. Дилларин забт этмин навоси билан, Турғун Азиматдек бобоси билан, Аллоҳ ардоқлаган Абдухошимни.

Турғай-ла тилламанс бир парда баланд, Бир жони соғина минг бора пайванда, Устоз Ражабийга бўлган дилдан, Аллоҳ ардоқлаган Абдухошимни.

Ноласида дилин хитоби борлар, Қўнда булбулнинг китоби борлар, Юнда саяғатнинг офтоби борлар, Аллоҳ ардоқлаган Абдухошимни.

БАХТ

Чироқ қадрини сўрсанг қоронғу кечалардан, Бу кўҳна ҳақиқатни сўраб кўр нечалардан, Ким уйдан бахт топмай, топганимни кўчалардан, Уйдан бахти борлар ҳар ерда бахтиёрлар.

Бахтингни изламанг ўзга юрт, қопондан, Ватан ҳам бошлангуси дегайлар остонадан, Ҳар бир сўзин аввали, сўранг, мушфиқ онадан, Уйдан бахти борлар ҳар ерда бахтиёрлар.

Тиниқ бўлса, тинмасиз изиндаги ирмонинг, Болам десанг куйдирса, кўрлар тўкса дулоринг, Уйдан бахти борлар ҳар ерда бахтиёрлар.

Тонларда кўзларингизга нафис кўлиб уйғона, Оқимоллар болшинида салоят гулдек ёнса, Қадим боссанг остонам меҳр бўлиб тўғонаса, Уйдан бахти борлар ҳар ерда бахтиёрлар.

Кетаянман, хуш қолинг, келаянман, асалом, Силдан дунё сўрмайман, биргина пирин калом, Шу кўҳна ҳақиқатин Маҳмуд такрорлар мудум, Уйдан бахти борлар ҳар ерда бахтиёрлар.

Маҳмуд ТОИРОВ.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

7 ЁШДАН 70 ЁШГАЧА...

Наманган вилоятининг барча маҳалла ва меҳнат жамоаларида бир неча кундир-ки, куй ва кўшиқлар янгради.

Бу кўрик-танловда маориф, тиббиёт ходимларидан тортиб, боғча болаларига қатнашаётганлиги, айниқса, қувонарлидир. Айни пайтда кўрик-танловнинг биринчи босқичи якунланиб, туманда голиб деб топилган ҳаваскорлик тўғараклари, жамоатчилик ва меҳнат жамоалари вакиллари вилоят миқёсидаги танловда қатнашиш учун йўлланма олдидлар. Шу кунларда кўрик-танловнинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Алишер Навоий номидаги вилоят музикали драма театри санъат ва маданият наомандлари ва кўшиқ мухлислари билан гавжум. Наманган, Чортоқ шаҳарлари, Уйчи ва Давлатобод туманидан келган санъаткорлар, ҳаваскорлар кўшиқчилик санъатининг олти тури бўйича ўза-



ро беллашди. Истиқлол, овоз дийр ва унинг порлоқ келажаги мадҳи куй-кўшиқларга айланиб, кўнгилларга сингди. Вилоятда яшаб, ижод қилаётган Ҳабиб Саъдулла, Зиёвуддин Мансуров, Маҳмуджон Далабев каби шоир ва бастакорларнинг янги асарлари ижро этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танлови ўтказилаётганлиги айни муддао бўлди. — дейди ҳайбат раиси, Ўзбекистон халқ артисти

1996 йил — Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН ДАРВОЗАСИДАН ЎТГАНМИСИЗ?

Агар ўтган бўлсангиз, Сангзор дарёси қирғидаги қояларни кўрган, тошга ўйиб ёзилган дилномаларни ўқиган, қадимдон зиёрат қилган бўлишингиз ажасмас. Буёқ ипак йўлининг кўҳна Жиззах воҳасидан ўтиш қисмидаги бу масканда улуг Бобур ҳам бир зум истироҳат қилганини, мевазор боғлар неъматидан татиб кўрганни «Бобурнома»да қайд этган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Темур лашкарлари бу дарвозадан эяфар билан ўтганлар, урушлардан сўнг шу ерда дам олиб куч тўплашган, шу ҳудуддаги Чизмалисой дарасида олтиқ аскарлар ҳарбий машақлар ўтказган.

Амир Темур юбилейи муносабати билан улуг саркарда ва унинг салтанати алоқалари бўлган тарихий жойларни, ёдгорликларни таъмирлаш, тиклаш ишлари авж олиб кетди. Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази вилоят бўлимининг раҳбари, Амир Темур юбилейини ўтказувчи вилоят ташкилий қўмитаси аъзоси, профессор Урол Носировдан бу ҳақда сўзлаб беришни сўрадик.

Вилоят ҳокимлигида кенг қўламлиги юбилейга тайёрлик мажмуи ишлаб чиқилди. Унда ҳар бир туман, ташкилот ва корхона томонидан амалга оширилаётган ишлар аниқ белгилаб берилган. Темур дарвозаси худудини, Моргузар тоғи ўнгирлари, Сангзор соҳилларини ободонлаштиришга катта эътибор берилди. Бу ерда «Сангзор» оромгоҳи бунёд этилди. Асосан хорийжий йўловчиларга, республикамиз меҳмонларига мўлжалланган бу оромгоҳга «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг вилоят бўлими мутасаддилик қилапти. Эллик кунлик қисқа даврда бу ерда халқаро талабаларга мос қилиб меҳмонхона қайта таъмирланди. Ун-гир атрофида уч гектарлик боғ яратилди.

Галлаорол, Бахмал, Зомин туманларидаги қадимжоларни ҳам қайта тиклаш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, Кўкғумбаз, Хонимқўрғон, Хонақоҳ мақбаралари таъмирланмоқда. Жаҳонгирнинг пири муриши Мирсаид Барақанинг укасига тегишли қабр мақбарасини тиклаш режалаштирилган.

Ўлкашунослик музейида юбилей кўрғазмаси тўпланяпти. Маҳаллий нашриёт «Темурийлар шажараси» номли китобни босмадан чиқаришга тайёрляпти. Жиззах туманидаги Бобур номи жамоа ҳужалиги ва Бўстон йўлдан фойдаланиш бошқармаси, шаҳар ташкилотлари Темур дарвозасига элтувчи йўлларда, Жиззах отчопарида таъмирлов-тиклал ишларини қизитиб юборишди. Бахмалсой қишлоғида туну-кун узлуксиз ишлаётган бозор ишга туширилди.

Юбилейга Темуур дарвозаси худуди ҳақиқий шарқона ҳусн тароват касб эттишти шубҳа йўқ.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ БЎЛИМ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида халқаро журналистика бўлими очилди.

Бўлимга Тошкент, Андижон ва Қорақалпоғистон давлат университетларининг журналистика факультети ва бўлимида таҳсил олаётган 25 нафар учинчи ва тўртинчи босқич талабалари синов асосида қабул қилинди. Талабаларга ҳозирги замон жаҳон журналистикаси таъриблари, ижод маҳорати ва замонавий компьютер, шунингдек, хорийжий тиллар мукаммал ўргатилади. (УИА).

ОЛИМПИДАЧИЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

«Атланта — 96» Олимпиададаги тўрт ойдан кўнроқ вақт бўлса-да, халқаро миқолада Ер юзининг энг йирик мусобақаси медаллари учун кураш алакачон бошланиб кетди, десак хато қилмаймиз.

Чунки сайёрамизнинг турли бурчларида айни дамда «Атланта — 96» Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берилган йўлланмалар учун баҳслар авжга чиқди. Дунё спорт турлари бўйича Олимпиада медаллари учун кураш олиб бориш юзасидан ўзгаларига аниқ мақсадларини кўнглини бу йўлда спортчиларини рўқсатлашга катта аҳмият беришти.

Олимпиада медаллари олдига эса жокори урушлар учун курашга тайёналанган ташкари бу мусобақани юксак дара-

жада ўтказиш масъулияти ҳам турибди. Олимпиада баҳслари америкалик барча тоифа қишлоқларида бирдек авж бағишлани мақсадида ташкилий қўмита бир қатор таъбирларни амалга оширяпти. Жумладан, «Атланта — 96» ташкилий қўмитаси янги йамонланган оила пакиллари бўлган 21 минг нафар болага стадионларда кириш учун бепул чиғта уюштирди. Айниқса, Жоржия штати болалари гоит сезиналган бўлишиди. Чунки улар учун бир кунга бепул оқдлангани, турли хил сонлар олти имкони яратилишига қарор қилинди.

Россия Олимпиада қўмитаси эса Олимпиада терма жамолага йомонларга махсус гувоҳнома, мамлакат герби ва байроғи акс эттирилган значок ҳамда ленталар топширди. Бундай гувоҳнома ва значок соҳиблари Олимпиадада ўйнабларини давом этлаётган даврда Атлантага ташкал этилган «Русский дом» таъшир буюриш ҳу-



Кўкда эга бўлади. Бизнинг спортчиларимиз ҳам Атланта Олимпиадасига тайёрлар-

баҳслар ҳам спортчиларимизнинг «Атланта — 96» мусобақаларидан олдин ўзига хос кўриклан ўтказди. Спортсевларга шунинг маълум қилиш жонки, ҳозирча 11 нафар энгиз атлетикачи-миз Олимпиадала қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Найза улоқтирувчиларимиз — Владимир Парфёнов, Виктор Зайцев, Сергей Войнов, диск улоқтирувчиларимиз — Роман Полторацкий, Валентин Попов, 100 метрга югурувчи, Ўзбекистон ва Осиё рекордчиси — Анвар Кўчмуллоев, ун курашчи Рамил Гафиев, молот улоқтирувчи Виталий Хожателев, яро улоқтирувчи Сергей Кот, узуликка сакровчи Константин Сарнацкий, баландликка сакровчи Светлана Мунькова мамлакат кубоғи баҳсларида ҳам эътибор қозонишди.

Ҳали олимпиадачиларимиз сафини янада кенгайтиш мумкин. Бунинг учун 16 июлда қадар болша энгиз атлетикачиларимиз халқаро турнирларда қатнашиб, Олимпиада нормативларини бажаришга вақт ҳам, имкониёт ҳам бор.

Р. ЭРМУХАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

АНГРЕН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОМБИНАТИ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ 1996 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

- 1. Рангли, оқ, қуланг цемент.
2. Қурилишда ишлатиладиган гишлар.
3. Рубероид.
4. Мармар ушоқлари ишлаб чиқариш линиялари.

Манзиларимиз: Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Тошкент кўчаси, 34. Цемент заводи.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳужалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Жумаев.
Навбатчи — О. Тўрақулов.